



## ИСЛОМ МАМЛАКАТЛАРИДА ТАКАФУЛ СУГУРТА: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ЖОРӢ ҔТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Қўлдошев Қамариддин Мансурович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Солиқлар ва сугурта иши" кафедраси профессори

[kuldashevKM@gmail.com](mailto:kuldashevKM@gmail.com)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 3

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss3/a1](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss3/a1)

### ABSTRACT

Ушбу маколанинг мақсади тақафул сугурта тўғрисидаги дунё олимларининг назарий карашлари, мазкур сугуртанинг дунё мамлакатларида пайдо бўлиши ва кейинги ривожланиши билан боғлик муаммолар, ушбу сугуртанинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзаро сугурта ҳамда тижоратга асосланган сугуртага ўхшашлик ва фарқли жihatларни ҳамда афзалликларини ёритиб бериш, шу билан бирга тақафул сугуртанинг Ўзбекистонга кириб келиши, хукукий асослари билан боғлик муаммолар ва бундан кейинги ривожлантиришнинг концептуал асослари тўғрисидаги хулосаларни шакллантиришдан иборат. Муаллиф томонидан тақафул сугуртанинг марказий оснёда мусулмон динига эътиқод килувчи ҳалқларнинг катта қисми яшайдиган Ўзбекистон учун муҳимлиги, шу туфайли ҳам ушбу сугурта шаклининг мамлакатда тез оммавийлашиши мумкинлиги ва бунинг учун уни кенг омма олдидা реклама килиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлиги келтириб ўтилган.

*Сугурта, ўзаро сугурта, ислом, тақафул сугурта, анъанавий сугурта, мавҳумлик, судхўрлик, қимор, ислом ҳамкорлик ташкилоти, ислом тараққиёт банки, исломий молиялаштириши, шариат*

### KEYWORDS

### Кириш

Исломда сугуртага муносабат мунозарали бўлиб келган, XV-асрда шаклланиб бошлаган ва кейинчалик алоҳида тармок сифатида тижоратга асосланган сугурта оммавийлашгандан кейин сугуртанинг ушбу шаклига нисбатан исломда аниқ салбий муносабат юзага келган. Ибн Обидин (1252/1836) мусулмон хукуқшунослири орасида сугурта ва унинг исломдаги мавқеини ўргангандан биринчи олим бўлиб, айнан унинг даврида, яъни хижорий XIII асрда сугуртага биринчи марта шарқ мамлакатлари ҳаётига кириб келган. Бу вақтда Европа саноатининг ривожланиши билан бир қаторда Гарб ва Шарқ ўртасидаги савдо алоқалари мустаҳкамлана бошлаган эди. Ушбу концепция ислом мамлакатларига музокаралар олиб бориш учун келган хорижий компаниялар вакиллари оркали, шунингдек, европадан олиб келинган товарларни сугурталаш оркали кириб келган. Ибн Обидин ўзининг "Радд ал-Мухтор" китобининг "Китоб ал-Жиҳод" бўйимида "Мустаман" ("паспорти бўлган, мусулмон бўлмаган мусофири") бобида ушбу мавзу бўйича фикр юритган (ўша даврларда бундай кишиларни шундай ном билан аталган).

Ал-Кардавийнинг фикрига кўра, исломнинг ilk даврларида халифатда ижтимоӣ сугурта хусусиятига эга бўлган давлат тизими ташкил этилган бўлиб, ушбу тизим Байтул-мол деб атаглан. Байтул-мол давлат ғазаси сифатида ташкил этилган бўлиб, ушбу ғазна закот, ғаним (ҳарбий истилолардан тушумлар), хараж (ер солиги), жуза (бошқа дингагилардан олиниадиган солик), эгасиз ва эгаси ташлаб кетган мулклардан ташкил топган.

Ўзаро сугуртанинг яққол кўриниши сифатида Арабистон ярим ороли худудларида амал қилган карvon-савдо савдо ѹўлларида карvon аъзолари ўртасида ғазна ташкил этилиб, аъзолар томонидан бадал сифатида тўлов амалга ошириш оркали маблаг тўпланиб, ушбу маблаглар хисобидан ўйла юз берадиган табиий оғатлар ва карокчилар хужуми натижасида кўрилган заرارларни коплаш ўрта

асрларнинг бошларида ёк амал қилганлиги, карvon аъзоси вафот этган холатда қоплама унинг оила-аъзоларига бериш тизимининг амал қилганлигини келтириши мумкин. Ўз вақтида ушбу тизимда Мухаммад пайғамбарнинг ҳам иштирок этганини таъкидланади.

Яна бошқа манбада тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, тақафул-сугуртанинг кўринишлари бундан 1400 йиллар аввал бўлган. Масалан, шундай карашлар борки, одам ўлдирғанилиги ёки жароҳат етказганилиги учун товон тўлаш араб ҳалқлари ўртасида мусулмон дини кириб келишидан олдинги жоҳилия даврида ҳам бўлганлиги ва бу қоидалар сугуртанинг ilk кўринишлари эканлиги эътироф этилади. Мусулмон дунёсидаги кўпчилик сугурта қашшоғлари ўртасида закот солиги сугурта деб юритилади. Баъзи муаллифлар фикрига кўра, бу институт ҳам мусулмон дунёсида сугуртанинг ўрнини самарали боса олган воситалардан хисобланади. Хусусан, Юсуф Ал-Кардавий шундай ёзди: ислом динининг ўзига хослиги сугурта соҳасидаги хайратланарли тушунчанинг келтирилишидир, яъни закот фондида алоҳида "карз билан юкланган" модданинг келтирилишидир. Баъзи куръон шарҳловчилари "карз билан юкланган" тушунчасини куръон сўзлари категорига киритган ҳолда, ушбу тушунчада ёнгиг юз бериши, сув босиши, сел келиши натижасида яшаш жойларидан ва мулкидан айрилган кишилар низарда тутилганлигини таъкидлайдилар.

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар Тадқиқотни амалга оширишда кўйилган мақсадларни амалга оширишда мантиқий ва таркибий таҳлил килиш, гурухлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва киёсий тақкослаш усулларидан самарали фойдаланиди.

Олинган натижалар (Results/Результаты). Олиб борилган таҳлиллар натижасида тақафул сугуртанинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи, унинг пайдо бўлишига сабаб бўлган холатлар сифатида тижоратга асосланган анъанавий сугуртанинг ислом

хукукшунослари томонидан шариат талабларига мос келмаслиги тўғрисида ва шу билан бирга ўзаро сугуртанинг мазкур талабларга жавоб берishi тўғрисида хулоса берилганлиги асосланган. Ушбу хулосага асосланган ҳолда муаллиф тақафул сугуртани баъзи олимлар томонидан эътироф этилганидек, тижорат сугуртасининг муқобили эмас, балки ўзаро сугуртанинг муқобили ва модификациялашган шакли эканлигини асослаб берган. Муаллифнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда тижоратга асосланган анъанавий сугуртанинг ҳозирга қадар етарли даражада оммавийлашмаганлигининг сабабларидан бири сифатида шариат коидалари тўғрисида кўпроқ тушунчага эга бўлган аҳоли катламларининг кўплиги ва уларнинг ислом хукукшунослари томонидан ушбу сугурта тўғрисидаги хулоасидан хабардор эканлиги хисобланади.

**Тахлиллар (Analysis/Анализ).** XX-асрда кўплаб мусулмон мамлакатларининг мустамлакалиқдан кутилиши натижасида ушбу мамлакатлarda амал қилиб келган ижтимоий-иктисодий тузумни ислом талабларидан келиб чиқкан ҳолда танқидий кўриб чиқиш бошланди. Мустакилликни кўлга киритган ушбу жамиятларда оммавий равища ислом талаблари жорий этилиб, иктисодий соҳада кайта куришини амалга оширишида "риба" (судхўрлик) нинг ҳар қандай кўринишларини олиб ташлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур масалада Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларининг 1973 йилда Жидда шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида мухим қадам ташланди, яъни ушбу конференцияда Ислом тараққиёт банкини ташкил этиш тўғрисида карор кабул килинди. Мазкур карор асосида 1975 йилда Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Ислом тараққиёт банкининг Бош оғиси ташкил этилди. Ҳозирда ушбу банкка дунёнинг тўрт китъасида жойлашган 57 та мамлакат аъзо бўлиб, банкнинг Бош оғиси ва минтақавий марказларида 1214 та ходим фаолият олиб бормоқда. Мазкур аъзо мамлакатлар ичida Саудия Арабистони банк акцияларининг катта қисмига – 23,5 % ига эга .

Ислом тараққиёт банки 4 та таркибий бўлинмалардан ташкил топган бўлиб, улар – Ислом тадқиқотлар ва тренинглар институти, Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси, Инвестициялар ва экспорт кредитларни сугурталаш ислом корпорацияси ва Савдони молиялаштириш ҳалқаро ислом корпорациясидир. Исломий молиялаштириш қашшоқликни камайтириш, камбағалларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, уларга баркарор равища ижтимоий имтиёзлар бериш ва иктисодий ривожланишини рағбатлантириши стратегисининг бир қисми сифатида ишлатиладиган энг мақбул воситалардан бири сифатида амал қилмоқда. Иктисодиёт соҳаларида амалга оширилган ислоҳотларин таркибий қисми сифатида сугуртани шариат талабларига мос равища ташкил қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислом хукукшунослари ўртасида тижорат сугуртасининг шариат коидаларига тўғри келиши масаласида мунозаралар бўлиб келган ва ушбу сугурта шартномаларини тузиша ўйл кўйиш масаласи алоҳида ислом давлатлари хукуматлари томонидан ҳам кўриб чиқилинган. Унинг натижаси сифатида 1972 йил 15 июнда Малайзия фатволар бўйича миллий кўмитаси хаёт сугуртаси шартномаларини шариат томонидан шартномаларга нисбатан кўйилган талабларга қарама-карши деган қарорга келган. Шунга қарамай, кўплаб мусулмон давлатларида анъанавий сугурта хизматларидан фойдаланишга ўйл берадиган "фавқулодда вазият қоидаси" (dharurat) бўйича анъанавий сугурта хизматларидан фойдаланганлар (асосан ҳалкаро муносабатларда). "Фавқулодда вазият қоидалари" шариат стандартларига жавоб берадиган сугурта махсулотлари пайдо бўлгунга қадар амал қилди.

Ушбу масалага аниқлик киритиш ислом хукукшуносларига юклатилган бўлиб, улар томонидан килинган хулосаларга кўра, ўзаро сугурта ўз хусусиятларига кўра ислом хукукшунослари ўртасида эътиrozларга сабаб бўлмади ва натижада ушбу сугурта шаклини кўллашга руҳсат этилган ва ҳатто маҳсус фатво билан кўллаб-кувватланган. Шу билан бирга, ислом талабларига тўлиқ жавоб берадиган сугурта шаклини ишлаб чиқиш борасида олиб борилган ишлар натижаси ўлароқ, ўзаро сугуртанинг модификациялашган шакли сифатида тақафул-сугурта коидалари ишлаб чиқилиб, илк марта 1979 йилда Суданда амалиётта жорий этилган. 1983 йилда фуқаролик кодекси орқали ушбу сугуртанинг хукукий асоси яратилган ва босқичма-босқич ислом молиясининг монистик моделига ўтила бошланган. Ушбу модель шариат конунларига зид бўлган ҳар қандай молиявий муносабатни таъкидлаган. 2003 йилга келиб сугурта ва тақафул тўғрисидаги конуннинг кабул килиниши билан сугурта соҳасининг конуни базаси тўлиқ яратилган .

Шариатга кўра, тижорат (анъанавий) га асосланган сугурта бир қатор шариат коидаларига тўғри келмаслигини, хусусан, ислом хукукшунослари анъанавий сугуртада мусулмон эътиқоди нуқтai назаридан таъкидланган учта элементнинг мавжудлигини таъкидлашиди, булади:

- 1) гарар (арабчадан ноаниқлик ёки мавхумлик);
- 2) майсир (араб тилидан кимор (азарт));
- 3) риба (араб тилидан судхўрлик).

Ушбу таъкикларни кенгрок кўриб чикамиз.

Ислом хукукшунослари нуқтаи-назарига кўра "Гарар" – бу шартномадаги мавжуд ноаниқлик бўлиб, ушбу ноаниқлик шартномада қатнашаётган томонлардан бирининг харакати (харакатизлиги) иккинчи томоннинг фаолият натижасига боғлиқлигидан келиб чиқиб, ушбу томон учун ноҳуши ҳолатни юзага келтириши мумкинлигидир. Сугурта шартномасида шундай ноаниқлик мавжудки, бунинг натижасида томонлардан бири ушбу шартнома орқали фойда кўради, иккинчи томон эса зарар дейилади. Масалан, тузилган сугурта шартномаси бўйича агар сугурта ходисаси юз бермаса сугурта мукофоти тўлаган сугурталанувчи ушбу мукофотни кайтариб ололмайди. Ислом хукуки нуқтаи-назарига кўра бунда асосий эътибор абстрак хизматнинг кўрсатилишига эмас, балки кўпроқ эътибор пул маблагларининг реал харакатига қаратилади. Бу ҳолат сугурталовчининг асосиз равища сугурталанувчи хисобидан бойиш белгисининг мавжудлигини кўрсатади. Агар бундай сугурта шартномаси тузилмаганда сугурталанувчи сугурта мукофотидан айрilmagan бўлар эди. Бу ҳолатда ноаниқлик – бу шартнома предметидаги камчилик бўлиб, яъни ушбу предметда кўзда тутилган сугурта ходисасининг юз бериси ёки юз бермаслиги масаласидир. Сугурталанувчининг тўловга кобиллиги тўғрисидаги маълумотлар шаффофлигининг тўлиқ мавжуд эмаслиги ёки бу борадаги ёлғон маълумотлардан фойдаланиш эҳтимоли сугурта ходисаси юз бергандан сугурталовчи томонидан ходиса натижасида юзага келган заарни қоплаб берилмаслик ҳолатини келтириб чиқариши мумкинлигидар.

Сугурта шартномасида ноаниқликларнинг бошқа кўринишлари ҳам мавжуд бўлиб, буар натижасида сугурталанувчи эмас, балки сугурталовчи ортиқча заарларга зот тутиши ҳам мумкин. Бундай заарлар буғунги кунда дунёни миёсида катта ҳажмни ташкил этмоқда ва бу ҳолат сугурта товламачилиги номи билан маълум. Бунда сугурталанувчи сугурталовчига сугурталанаётган мулк ёки ўзининг ҳаёти ва соглиги тўғрисида ёлғон маълумотларни бериши ёки риск даражасини ортирувчи маълумотларни сир тутиши, сугурта ходисаси натижасида кўрилган заарни бўрттириб кўрсатиши ёки ходисани касддан юзага келтириши ҳолатларидир.

Тижоратга асосланган сугуртада сугурта шартномаси шартларининг бир томон – сугурталовчи томонидан ишлаб чиқилиш ҳолати мавжуд бўлиб, ушбу ҳолат икки томон манфааларини бирдай эътиборга олмаган ҳолда, яъни сугурталовчи манфаатлари кўпроқ эътиборга олинган шартномаларнинг ишлаб чиқилиши ва тузилишига олиб келади. Бундай ҳолат сугурта бозорида ўзаро ракорбат кучли бўлмаган бозорларда айниқса кенг тус олади. Бундай бозорларда фаолият кўрсатувчи кўпгина сугурта ташкилотлари томонидан тўлаб бериладиган сугурта қопламалари улар томонидан тўпланган сугурта мукофотларининг 1 фоизига ҳам етмайди.

Тижорат сугуртасида яна бир ноаниқлик борки, бу сугурта шартномасининг муддатидаги ноаниқлик. Ислом фуқаролик-хукукий битимларida ушбу битимларнинг амал қилиш муддати аниқ бўлиши шарт. Аммо сугурта шартномасида муддат белгиланган бўлсада, агар сугурта ходисаси юз бериси, заар ҳажми сугурта суммаси мидорига етса сугурта шартномасининг амал қилиши тўхтайди ва бундан ташкири амалиётда муддати белгиланмаган сугурта шартномалари ҳам учрайди.

Юкорида келтирилган ноаниқликларнинг бирортаси шартномада мавжуд бўлиши ислом хукукига кўра, унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Битимлардаги ноаниқликларга ўйл кўйимасликдан максад – бир томоннинг иккинчи томон устидан ноҳак устунликда эга бўлишига ўйл кўйимасликдан иборат. Аммо ноаниқликлардан бутунлай холи бўлган шартномани тузишнинг иложи ўй, буни ислом хукукшунослари ҳам тан олади. Шунинг учун шартномани тузишда ўйл кўйилиши мумкин бўлган ноаниқлик даражасини ўзаро келишиб олиш зарур деб ҳисоблайдилар. Ислом хукукшуносларининг қаршилиги бизнес ва унинг натижаси билан бояниқ ноаниқликларга эмас, балки шартнома предметидаги ноаниқликка қаратилган. Шундан келиб чиқсан ҳолда, келтирилган ноаниқлик таснифини икки даражага ажратиш мумкин:

– ортиқча ноаниқликлар (шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади);

-кам миқдордаги ноаниклик (шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди).

Ислом хукукшунослари анъанавий тижорат сугуртаси шартномаларидағи ноаникликларни шариат томонидан йўл кўйиладиган ноаникликлар даражасидан юкори деб хисоблайдилар.

Сугурталовчиарнинг яна бир йўналишдаги ҳаракатига нисбатан эътиroz мавжуд бўлиб, булар: а) сугурталанувчилар томонидан тўланган бадалларни сугурталовчи ўз ихтиёрига кўра инвестиция фаолиятига йўналтириб фойда кўради. Шу билан бирга, ушбу соҳалар шариат томонидан таъкиянган соҳалар бўлиши мумкин.

Сугурта муносабатларида қимор элементларининг мавжудлиги ушбу йўналишни сўзсиз коралайди. Ислом хукуки нуктаи-назарига кўра шартномада қимор элементларининг кўйидаги кўринишлари мавжуд:

1) сугурталанувчи катта миқдордаги суммани олиш илинжида сугурталовчига кичик миқдордаги маблагни тўлайди (сугурта мукофоти). Бошқача айтганда, шунга лойик меҳнат кильмасдан туриб, катта миқдордаги фойдан олишин мўлжаллайди (бу айникса ҳаёт сугуртасига тааллукли);

2) сугурталовчи сугурта ҳодисаси юз бермаслик эҳтимолига таянган ҳолда ва шунда сугурталанувчи тўлаган сугурта мукофоти ўзида қолиб кетишига ишонган ҳолда катта жавобгарликни зиммасига олади. Демак, сугурта ҳодисалари кўп юз берса сугурталовчи зарарга тушади, сугурта ҳодисалари кам юз берса фойдага эга бўлади. Бу қимор йўйинларининг элементларидир.

Ислом хукуки нормалари бир томон фойда олиши мақсадида иккинчи томонга пул маблаги ёки бошқа мулкни беришина таъкиядайди. Чунки исломда инсоннинг инсон томонидан ҳар қандай кўринишда эксплуатация килиниши кораланади. Устига фоиз кўйиб қарз берни хам эксплуатация шаклидир.

Юқоридаги ҳолатлар натижаси ўлароқ, XX асрнинг сўнгиги чорагидан бошлаб шаркй мамлакатларда ислом сугуртаси - тақафул шаклланди ва жадал ривожланмоқда. Тақафул-сугурта бутунги кунда дунёнинг киркка яқин давлатларида амал кильмокда. Покистон мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ssrn.2386497 электрон журналининг 2017 йил январь сонида (121-146 бетлар) келтирилган мазлумотга кўра, Покистонда тақафул операциялари якин-якинда бошланган бўлсада, ҳозирда тақафул-компанияларнинг сони 5 тани ташкил этиб, 2015 йилда 2008 йилга нисбатан 600 % ўсиш юз берганилиги таъкидланган. Тўплланган сугурта мукофотлари хажми 2008 йилдаги 2,7 млрд. рупийдан 2015 йилда 16,3 млрд. рупийни ташкил этган.

Тақафул - исломий сугурта тизими бўлиб, унинг асосий вазифаси турли кутилмаган ҳодисалар натижасида мазкур сугурта жамияти аъзосининг мулки ёки ҳаётига етадиган зарарлардан уни химоя килиш ва шу билан бирга, тўплланган маблагларни вақтинчалик инвестиция объектларига йўналтириш орқали фойда олиб, уни аъзолар ўртасида таксимлашдан иборат. Ҳозирги даврда тақафул компаниялари томонидан кўрсатилаётган сугурта хизматларини умумий тарзда кўйидаги икки тармокка ажратиш мумкин:

1) умумий тақафул; 2) оиласиев тақафул.

Умумий тақафул мол-мулкни хамда учинчи шахслар олдидаги жавобгарликни сугурталаш соҳаларини ўз ичига олади. Умумий тақафул доирасида кўйидаги сугурта турларини ажратиш одат тусига кирган:

- ўз эгаси ёки ижарачининг ўз билан боғлиқ таваккалчиликлари натижасида кўриладиган зарарларни коплашни кўзда тутувчи сугурта тури (ўз тақафули);

- транспорт воситаларининг мажбурий ва ихтиёрий сугуртасини ўз ичига олган авто тақафул, денгиз билан боғлиқ зарарлар сугуртаси ва шу кабилар.

Оиласиев тақафул оила аъзоларининг саломатлиги, оила режалаштирган инвестициялар ва таълим билан боғлиқ сугурта турларини ўз ичига олади.

Тақафул-сугурта жамиятлари томонидан инвестицияга йўналтириладиган маблаглар шариат таъкияламаган соҳаларга жойлаштирилади. Тақафул жамиятлар томонидан кўрсатиладиган сугурта хизматлари хамда уларнинг инвестиция фаолияти шарият бўйича маслаҳатчиilar (Shar'ia advisors) томонидан кузатиб борилади ва шу асосда шариатга мос келмайдиган хизматларнинг кўрсатилишига йўл кўйилмайди.

Сугурта назоратчилари халқаро асоциацияси (IAIS) ва Ислом молиявий хизматлари Кенгани (IFSB) томонидан тақафулни "Тақафул ислом хисоби" сифатида кабул килинган. Тақафул хизматлари кўрсатилаётган мамлакатларда ушбу сугурта ислом сугуртаси, ҳалол сугурта, ахлоқий сугурта, ислом ўзаро сугуртаси

каби номлар билан таклиф этилмоқда. Тақафулнинг ҳозирги замондаги муаммоларидан бири фойда олиш ва бир вактнинг ўзида шариат талабларига амал килишидир. Ушбу талаб тақафул сугуртанинг тижоратга асосланган анъанавий сугуртага нисбатан бирмунча мураккаблигини келтириб чиқарган. Бундай мураккаблик ҳолатида тақафул сугуртанинг тезда оммавийлашиб кетиши қийин кечеётганинги таъкидлаш мумкин.

Тақафулнинг ҳам фойда олишга қаратилган мақсади мавжуд эканлигидан келиб чиқкан ҳолда, баъзи тадқиқотчилар (Алтунтас Ет Ал) тақафул тижорат сугуртасининг муқобили ва у тижорат ташкилотидир деган хulosasi беришмоқда. Албатта бу хulosанинг нотуғри эканлигини тақафул сугуртанинг юкорида келтирилган ўзига хосликлари асослаб турибди. Яна шуни таъкидлаш керакки, тақафулнинг бир нечта моделлари мавжуд бўлиб, булар ичидаги кўлланилаётган моделлар сифатида кооператив (таавун) модель, соғ вакала модели (агентлик), модификациялашган вакала модели, соғ мудараба модели (инвестициявий фойда олишга йўналтирилган), модификациялашган мудараба модели, вакала-мудараба гибрид модель ва вакф моделини келтириш мумкин. Ушбу моделлар ичидаги кооператив модель ва модификациялашган моделлар бошқа моделларга қараганда фойда олишга қаратилганлиги билан ажralиб турсада, барча моделларда тақафулнинг бош мақсади ўтибордан четда колдирилмаган, яъни аъзоларнинг бирдай манфаат кўришига эришиш ва бир вактнинг ўзида шариат қондларига риоя килган ҳолда гарар, майсир ва рибо ҳолатларига йўл кўймасликка эришиш. Вакф моделининг мақсади эса факат ўзаро ёрдамга, хайрияга йўналтирилган фаолиятдан иборат.

Баъзан тақафул-компания уч турдаги фондларни ташкил этади. Масалан, Syarikat Takaful Malaysia Berhad (STMB) номидаги Малайзия тақафул-компанияси умумий тақафул фонди, оиласиев тақафул фонди ва пайчилар тақафул фондларини ташкил этган. Пайчилар тақафул фондидан мудараба моделига мувоғик иштироқчиларга даромад тўланади. Мудараба модели асосан Осиё-Тинч океан минтақасида кўлланилади ва ушбу худудларда сугурталанувчи ўзи кириптан маблагдан факатгина тақафул-компания ийлини фойда билан яқунлаган ҳолатда даромад олади. Фойда олиш мумкин бўлган кисм ва фойда миқдори олдиндан белгиланади. Мазкур нисбатларни ийлининг охирида кейинги йил учун маъкуллаш учун шариат кенгашига тақдим этилади. Харажатларнинг асосий кисми сугурталанувчилар хисобидан амалга оширилади (бу модельда уларни кўп холларда акционерлар деб атайдилар) . Масалан, Малайзия тақафул-сугуртасининг информацион сайтида шундай тушунча берилган, яъни автотақафул (автосугуртанинг ўхшаши) сугуртасин амалга оширилганда сугурта шартномасига кўра сугурталанувчи агар сугурта шартномасининг амал килиш даврида сугурта ҳодисасининг юз бернишига йўл кўймаган бўлса фойданинг бир кисмини олиш хукукига эга бўлади. Агар сугурта ҳодисаси юз берса сугурталанувчи табаррӯу фондидан сугурта копламасини олади . Саудия Арабистонида, кўпгина ҳозирги замон ислом экспертиларининг фикрига кўра мудараба ва вакала моделларининг комбинациялашган моделини ҳар томонлама кулади деб хисоблашади. Бундай ҳолатда сугурталанувчилар ҳам тақафул-компаниянинг акционерлар хисобланади. Компанияни тўлиғича бошқариши акционерлар номидан маҳсус бошқарув органи томонидан амалга оширилади .

Юқоридагилардан хulosasi килган ҳолда, тақафул-сугуртани сугуртанинг алоҳида шакли сифатида эътироф этиши мумкинми ёки ўзаро сугуртанинг бир кўринишни деб кабул килиш мумкинми деган савол туғилади. Бу саволга олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Масалан, Россиялик олим С.Г.Сқакун тақафул-сугуртанинг хеч кандай шак-шубҳасиз ўзаро сугурта деб атайди . Р.И.Беккининг фикрига кўра, тақафул-сугурта ўзаро сугурта шаклида ҳам, тижоратга асосланган сугурта шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин. У таъкидлайдики, ислом вариантидаги тақафул-сугуртада амал килувчи муносабатлар тизими, ушбу сугуртани тўғридан-тўғри ўзаро сугурта ёки тижорат сугуртасига киритиш имконини бермайди. Алоҳида олинган мамлакатда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб тақафул-сугурта ўзаро сугурта ёки тижорат сугуртаси шаклини олиши мумкин . Аммо ушбу фикрга нисбатан муаллиф томонидан бир ҳолатга анилик киритилмаган,

1-жадвал

**Такафул сұғурта бўйича Топ-5 га кирувчи мамлакатларда тўпланган маблағлар (2018 йил, млн. АҚШ долларидан )<sup>18</sup>**

<b>№</b>	<b>Мамлакатлар номи</b>	<b>Тўпланган сұғурта мукофотлари</b>
1.	Эрон	10.880
2.	Саудия Арабистони	9.463
3.	Малайзия	1.856
4.	Бирлашган Араб Амирликлари	1.205
5.	Индонезия	1.057
	Шундан: Умумий тakaфул, %	82.6
	Онлайни тakaфул, %	17.4

яъни тakaфул-сұғуртани қайси алоҳида ҳолатлари бўйича ва қандай белгиларига асосан ўзаро сұғурта ёки тижорат сұгурастига киритиш мумкин.

Ўзаро сұғурта ва шу билан бирга тakaфул-сұғурта борасида илмий тадқикот олиб борган мамлакатимиз олимларидан бири К.М.Қўлдошев тakaфул-сұғурта тўғрисида шундай фикр билдирган: шарнатнинг хукукий майдонидаги Ўзаро сұгура талаш жамиятлари оркали сұгура операцияларини амалга ошириш мумкинлиги тўғрисидаги ислом хукукшунослари томонидан берилган хулоса кейинчалик ўзаро сұгурганинг алоҳида шакли хисобланган тakaфул-сұгурганинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди.

Тakaфул-сұғурта тижоратга асосланган сұгурагдан кескин фарқ килади, чунки унда тakaфул-оператор иштирокчи риски бўйича жавобгар эмас. Табаррү концепцияси доирасида сұгура мажбуриятлари бўйича жавобгарлик ушбу фонд иштирокчилари ўртасида таксимланади. Мудараба ёки вакала концепцияси доирасида оператор факат иштирокчиларнинг маблағларини инвестицияга йўналтириш вазифасини бажаради ва ушбу фаолиятдан даромад топиб уни уларга таксимлаб беришин ўз зиммасига олади. Шунинг учун, бизнинг нұктай-назаримизга кўра, тakaфулнинг ҳар қандай кўринишини ҳам тижорат сұгурастига алоқадор деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, тakaфул – бу ўзаро сұгура шаклиниң модификациясидир. Бу модификациянинг ўзига хос хусусияти ўзаро сұгура принципларининг маблағларни ишончли бошқарувга бериш принципи билан ўзаро боғлиқлигидадир.

Ислом молияси ва унинг ажралмас қисми бўлган тakaфул сұгурганинг ривожланиши жараёнлари билан боғлиқ өвкеалар сифатида куйдагиларни келтириш мумкин: Покистондаги ислом мағкураси Кенгашининг 1980 йилда манбаатларни тўғрилаш масаласида тақдим килинган хисоботи; Малайзияда 1963 йилда ишлаб чиқилган Таңгир хажи дастури; 1963 йилда Миср "Митхамер" банкининг ташкил этилиши; 1979 йилдаги Эрон революцияси, Покистон ва Судан иқтисодиётида фойзиз банк хизмати кўрсатиш борасидаги тажрибаларининг кенгайиши; Исломобод халқаро ислом университети ва сиёсий тадқикотлар институтининг молия соҳасидаги тадқикотлари борасида кўшган хиссалари; Покистон Федераль шариат суди ва Олий судининг 1991,1999 йиллардаги "риба"га карши карорларининг қабул киниши; Ражи Зафар-уль-Хак комиссияси ва Адлия вазири Таки Усмони материаллари; Малайзия, БАА, Бахрейн, Қатар, Эрон, Саудия Арабистони, Судан ва Покистонда ислом банкларининг ташкил этилиши; 1991 йилда ислом молия муассасалари учун бухгалтерия хисоби ва аудити ташкилотининг ташкил этилиши; 1981 йилда Жиддада ислом фикр Академиясининг ташкил этилиши; 2010 йилда ислом банкинг лойиҳасини кенгайтириш доирасида капитал ва сұгура бозорлари учун коидаларнинг ишлаб чиқилиши.

Юз берган халқаро иқтисодий кризисдан кейин ислом молия ташкилотларининг шариат талабларига жавоб берувчи глобал активлари ҳажми йиллик ўртача 16 фоиз ўйнис билан кўпайиб борди ва 2020 йилда унинг ҳажми тахминан 5 триллион АҚШ долларини ташкил этди.

Якин шарқ ва Шимолий Африка минтақалари ислом молиясининг марказини ташкил этди ва жами активларнинг 70 фониздан ортиги ушбу минтақалар хиссасига тўғри келади. 2018 йилда тakaфул сұгура бўйича Топ-5 га кирувчи мамлакатлар куйидаги таркиб ва кўрсаткичларга эга бўлди.

Тakaфул ислом хукуки принципларига мос келувчи сұгурганинг алоҳида шакли хисобланади. Тakaфул сұгурута - араб тилидан таржима килинганда "ўзаро кафолатни тақдим этиш" деган маънени билдиради . Тakaфулнинг пайдо бўлиши ёки шариат талабларига мос келувчи ўзаро сұгура тўғрисидаги келишувлар ислом молия тизимининг ривожланиши ўйналишларидан бири

хисобланади ва у ислом молиясини тўлдиради ҳамда ривожланишига шароит яратади . Тakaфул-бизнес бу шариат доирасида амал килувчи сұгура фаолияти тури. Тakaфул-оператор ушбу сұгура шариат талабларига жавоб бериши учун ва шу билан бирга анъанавий сұгурута соҳасидаги белгиланган талабларга жавоб бериши учун маъсуздир. Анъанавий сұгургатда эса шариат талабларига мос келмайдиган холатлар сифатида караладиган шартномавий ноаниклик, кимор ва судхўрлик кўринишларининг мавжудлиги эътироф этилади. Шу тифайли тakaфул операторининг фаолияти анъанавий сұгургатага нисбатан мурakkab хисобланади . Ўзаро сұгургатда тижоратга асосланган сұгургатага хос бўлган учта хусусият йўколади, яъни ўзаро сұгурганинг ўзига хос хусусияти бўлган сұгургананувчининг бир вактнинг ўзида ҳам сұгургачи эканлиги, бу эса ушбу жамият фаолияти билан боғлиқ барча маълумотларнинг ва хусусан молиявий ахволи, амалга оширилаётган бизнес-жараёнларнинг унга маълум эканлиги "ноаниклик" хусусиятини йўқотади, ушбу хусусиятнинг йўқолиши ўз-ўзидан "ортича кизикиш" (азарт) хусусиятнинг ҳам йўқолишига олиб келади . Тakaфулнинг барча модельларида "Табаррү" концепцияси иштирок этади. Табаррүнинг маъноси эҳсон тушунчасини беради. Яъни тakaфул-оператор билан шартнома тузган ҳар бир сұгургананувчи ушбу жамиятта аъзо бўлганларнинг бирортаси билан бирор ходиса юз бериди, у ёрдамга мухтоҳ бўлиб қолганда албатта унга ўз маблаги билан ёрдам бериши зарур .

Ислом молияси ва шу жумладан тakaфул сұгурута дунё мамлакатлари иқтисодиётига аста-секин кириб бормоқда. Мазкур хизмат турлари сўнгги йилларда мустакил ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодиётига ҳам кириб кела бошлади, ушбу ҳолат дастлаб Татаристонда ва ундан кейин Қозогистонда кузатилган бўлса, Ўзбекистонда бу борада 2003 йилда бўшланган ҳаракат 2020 йилга келиб сезиларли даражада жонланди. Шу билан бирга, ушбу соҳани илмий жиҳатдан тадқик килиши ва ўрганиш борасида ҳам ҳаракатлар бошланди. Хусусан, биз томонимиздан докторлик диссертациясининг мавзуси сифатида танлаб олинган "Ўзбекистонда ўзаро сұгурганинг методологик асосларини таомиллаштириш" деб номланган диссертация ишимизнинг тўртинчи бобидаги битта бўлимни тakaфул сұгурганинг тадқик килишга бағишилаганмиз.

Ўзбекистон худудларига тижоратга асосланган сұгурганинг кириб келиши ушбу мамлакатда Россия чор империяси мустамлакачилигининг бошланishi билан боғлиқ эди. Чор империясининг кулатилиши ва совет тузумининг ташкил этилиши ҳамда Ўзбекистоннинг мазкур тизимга қабул килиниши ўзига хос давлат монополиясига асосланган сұгурута тизимининг шаклланишига асос бўлди. Етмиш йил давом этган ушбу тизим Ўзбекистон мустакилликка эришгандан кейин ҳам ушбу мамлакатнинг ислом шариати аҳкомларидан бирмунча йироқда колицига сабаб бўлди. Бу эса тижоратга асосланган сұгургатага нисбатан мусулмон динига эътирок килувчи ахолининг ушбу хизматга кизикишининг паст даражада сакланиб қолишига сабаб бўлди. Факат сўнгги йилларда мамлакатга ислом молиясининг кириб келиши ушбу соҳанинг қисми сифатида амал килувчи тakaфул сұгурганинг пайдо бўлишига замин яратди.

Ўзбекистон ислом тараккиёт банкига 2003 йилда аъзоликка қабул килинган бўлиб, Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорациясига 2004 йилда, Савдони молиялаштириш халқаро ислом корпорациясига ва Инвестициялар ва экспорт кредитларини сұгура талаш ислом корпорациясига 2019 йилда аъзо бўлиб кирган. Хозирда ушбу ташкилотлар томонидан Ўзбекистонга 100 га якин лойиҳа ва операциялар учун жами 2,4 млрд. доллар микдоридаги маблағлар ажратилган .

2020 йилнинг сўнгги чорагида Ўзбекистон Ислом тараккиёт банки билан исломий сұгурута – тakaфул сұгурута бўйича ҳамкорликни йўлга кўйди ва "Arex insurance" МЧЖ сұгурута компанияси тakaфул-

ойна ташкил қилган ҳолда ислом талабларига жавоб берувчи 8 турдаги сугурта маҳсулотларини таклиф этиб бошлади. Бунда “Aрех insurance” МЧЖ сугурта компанияси тақафул-оператор сифатида тақафулнинг гибрид моделини танлади. Ушбу моделга кўра, тақафул-оператор комиссия ҳаки сифатида сугурта бадалларининг 35 фоизига ва шариат талабларига зид бўлмаган соҳаларга инвестиция килинган маблаглардан олинган даромаднинг 30 фоизига эга бўлади. Маблагларнинг қолган кисми тақафул фондга йўналтирилади. Йил натижалари бўйича мазкур фонднинг ортган маблаглари аъзолар ўртасида тақсимланади. Ушбу фаолиятни икки йўналишда – умумий ва оила тақафул бўйича амалга ошириш учун “Ислом банки ва иктисадиёт маркази” дан иккни йўналишдаги шариат сертификатлари олинган. Ушбу сертификатларда “Белгиланган муассаса томонидан қўлланиладиган процедуралар шариатга мувофиқ топилганилиги билан тасдиқланган” деган сўзлар келтирилган. “APEX INSURANCE” МЧЖ сугурта компанияси тақафул оператори томонидан Тақафул хизматларини кўрсатиш бўйича Оммавий оферта – келишув ишлаб чиқилган бўлиб, бу потенциал сугурталанувчи-аъзолар учун расмий таклиф сифатида тақдим килиш учун ишлаб чиқилган. Унда келишув предметининг барча шартлари алоҳида бўлимлар кўринишида келтирилган. Юкорида келтирилган 8 та сугурта маҳсулотларидан бирни сифатида транспорт воситалари ихтиёрий ислом сугуртаси маҳсулоти ишлаб чиқилиб таклиф этилмоқда. Ушбу сугурта маҳсулоти бўйича сугурта шартномаси шартлари Ўзбекистондаги мавжуд конунчилклар талаблари асосида ишлаб чиқилган.

“APEX INSURANCE” МЧЖ сугурта компанияси томонидан тақафул сугурта хизматларини кўрсатиш тақафул-ойна ташкил этиши оркали йўлга кўйилган. Савол туғилиди, Ўзбекистонда мавжуд конунчилк алоҳида тақафул-компания ташкил этишига йўл берадими? Тақафул-сугуртани ўзаро сугуртанинг модификацияси эканлигини ҳамда ўзаро сугурта тўғрисида фуқаролик кодексидаги мавжуд мoddага ўзгартириш киритилганилиги ва янги таҳрирга фуқаролик кодекси якинда кучга киришини ўтиборга олганда бу борада муаммо бўлмайди. Амалдаги фуқаролик кодексининг 960-моддасига кўра ўзаро сугуртани фақат мулкий ва жавобгарлик сугуртаси бўйича амалга оширишни мумкин. Бундай ҳолатда оиласвий тақафулини амалга оширишнинг имкони бўлмаган бўлар эди. Янги таҳрирга фуқаролик кодексига кўра ўзаро сугуртани шахсий сугурта турлари бўйича ҳам амалга ошириш мумкин.

Ташкил этилган тақафул-ойна томонидан таклиф этилаётган сугурта маҳсулотларига талаб ҳозирча сезилилар даражада эмас. Назаримизда “APEX INSURANCE” МЧЖ сугурта компанияси томонидан таклиф этилаётган ислом сугуртаси хизматларини кўрсатиш бўйича Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси билан расмий ҳамкорликнинг йўлга кўйилмаганилиги ва юкорида келтирилган, тақафул сугуртани амалга оширишга рухсат берувчи сертификатнинг диний идора томонидан эмас, балки мамлакатимиз фуқаролари учун нотаниш бўлган чет эл идораси томонидан берилганилиги ушбу хизматга нисбатан кизикини пасайтирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керак, ушбу хизмат янги бўлганилиги ва кўпчиликнинг бу тўғрида етарли маълумотга эга эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Шуни ўтиборга

олган ҳолда мазкур янги хизмат турини рекламалар ва бошқа ахборот воситалари оркали эълон қилиб бориш зарур деб хисоблаймиз.

Натижалар интерпретацияси (Discussion/Обсуждение). Ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида куйидаги саволлар пайдо бўйди ва уларга куйидаги жавоблар шаклланди: тақафулнинг мураккаблиги унинг ривожланишига тўсик бўладими? Тақафул тижорат сугуртасининг муқобилими? Тақафул сугуртанинг алоҳида шаклими ёки ўзаро сугуртанинг модификациясими? Тақафул – сугурта хизматларини кўрсатишда бир вактнинг ўзида сугурта соҳасидаги умумий конунчилликка ҳамда шариат нормаларига риоя килиш бирмунча мураккабликни келтириб чиқарсада унинг ривожланишига тўсик бўлмайди ва аксинча кишиларда ушбу сугуртага ишончни ошириши натижасида унинг оммавийлашувига олиб келади.

Юкорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқкан ҳолда хулоса килиш мумкинки, тақафул сугурта тижоратга асосланган анъанавий сугуртанинг муқобили эмас ва унинг биринчи маҳсади аъзоларга мoddий ёрдам кўрсатишдан иборат ва шу билан бирга ушбу маҳсадни амалга оширишда шариат коидаларига амал килинади.

Тақафул-сугурта пайдо бўлишидан олдин ислом хукуқшуносларининг хуносасига кўра, ўзаро сугуртанинг шариат талабларига мос келиши ўтироф этилганилиги ва кейинчалик тақафул-сугуртани ишлаб чиқишида ўзаро сугурта асос бўлганилигини ўтиборга олган ҳолда, тақафул-сугуртани ўзаро сугуртанинг модификацияси дейишига барча асослар бор.

Макола бўйича хулоса ва тақлифлар (Conclusions/Заключения). Тақафул-сугурта ислом оламида пайдо бўлган биринчи сугурта шакли бўлиб, ушбу сугурта шакли ўзаро сугуртанинг модификацияси сифатида шаклланди. Ушбу сугурта тижоратга асосланган анъанавий сугуртадан фарқ килувчи, яъни тижорат сугуртасида мавжуд бўлган ва ислом коидаларига зид бўлган гарар, майсир ва риба ҳолатларидан ҳоли ва шу билан бирга бош маҳсади фойда олиш эмас, балки ўз аъзолари мoddий жиҳатдан кийин ахволга тушганда ёрдам кўрсатишга каратилган сугурта шакли хисобланади. Бугунги кунда киркка якин мусулмон мамлакатларида алоҳида тақафул-компаниялар ҳамда Америка ва Европанинг кўплаб мамлакатларидан тақафул-ойналаринг фоалият кўрсататганлиги, улар томонидан кўрсатилаётган тақафул-сугурта хизматлари ҳажмининг юкори даражада ортиб бораётганилиги ушбу сугуртанинг келажакда етакчи сугурта шакли сифатида амал килишига шубҳа қолдирмайди.

Ўзбекистонга тақафул-сугурта нисбатан кеч кириб келган бўлсада, ушбу сугуртанинг мамлакатда тез оммавийлашувига шартшароитлар етарли. Мамлакатда ўзаро сугуртанинг шаклланиб бошлаганилиги ва унинг хукуқий таъминотидаги ўзгаришлар (фуқаролик кодексига киритилган ўзгаришлар ва ўзаро сугурта тўғрисидаги конун лойиҳасининг ишлаб чиқилганилиги) ўзаро сугуртанинг модификацияси сифатидаги тақафул-сугуртага ҳам тегишли эканлигини билдиради ва конунчиликдаги ушбу ўзгаришлар тақафул-сугуртанинг Ўзбекистонда тез оммавийлашувига шароит яратади.

## Reference:

1. Afzal-ur-Raxman. Banking and Insurance (Economic doctrines of Islam). London. 1979. Vol. IV. P. 32.
2. Тақафул: динамик бозорда ўсиш имкониятлари. Pricewaterhouse Coopers компаниясининг таҳлилий материали. Электрон ресурс. Кириш ўйли: [http://www.pwc.com/en\\_GX/gx/financial-services/pdf/pwc\\_takaful.pdf](http://www.pwc.com/en_GX/gx/financial-services/pdf/pwc_takaful.pdf)
3. Mohd. Ma'sum Billah. Islamic Insurance: Its Origins and Development // Arab Law Quarterly. 1998 №13 (4). P. 386-422
4. Syed Khalid Rashid. Takaful Financed by Zakah Funds For Muslim Social Secutity: With Special Reference to Malaysia // Journal ob objective studies. 1998 Vol. 10, №1. P. 102-115
5. Юсуф Кардави. Дозволенное и запретное в исламе: пер. с араб. М.Саляхеддина. М., 2005. С. 260-261.
6. “Ўзбекистон Республикасида ислом молиясини ривожлантириши истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Ташкент - 2021 й. 3-март
7. Адамчук Н.Г. Современные тенденции развития страхования в мусульманских странах// Страховое дело, М.: 2015 г. Август.
8. Syed Ahmed Salman. Contemporary Issues in Takaful (Islamic Insurance). Asian Social Science 10 (22) Project: The perception of stakeholders Towards the Viability of Takaful in India. Lincoln University Collage, Malaysia. October 2014.
9. Беккин Р.И. Страхование в мусульманском праве: теория и практика. Москва, Анкил, 2001.
10. [http://www.islamic-world.net/economics/takaful\\_intro.htm](http://www.islamic-world.net/economics/takaful_intro.htm)
11. [http://www.insuranceinfo.com.my/choose\\_your\\_takaful/protect\\_posessions/motor\\_takaful.php?intPreFlangID=1&](http://www.insuranceinfo.com.my/choose_your_takaful/protect_posessions/motor_takaful.php?intPreFlangID=1&)
12. Сқакун С.Г.пп.3.3 “Взаимное страхование и исламская экономика” Турбина К.Е., Дадъков В.Н.
13. Исломий молия хизматлари Кенгашининг Баркарорлик тўғрисидаги хисоботи. Кириш ўйли: <https://www.ifsb.org>
14. Engku Rabian Adawiah Engku Ali, Hassan Skott P.Odierno, Essential Guide to Takaful (Islamic Insurance). //CERT Publication Sdn. Bhd. – Kuala Lumpur, Malaysia.2008.
15. Под ред. Саймона Арчера, Р.А.Абдель Карима и ФюНиенхауса. Тақафул. Исламское страхование. Концепция и вопросы нормативно-правового регулирования. Перевод с англ. М.В.Панасюк и др. г.Казань 2012.

16. Скаун С.Г. Взаимное страхование в системе современного мирового страхового хозяйства. Автореферат диссертации на соискание научной степени к.э.н. М.: 2009, с.14
17. Кўлдошев Қ.М. Ўзаро сугурталашнинг методологик асосларини тақомиллаштириш. Монография. Т.: Иқтисодиёт 2021.